

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.В.53.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГЕНОМИКА ВА БИОИНФОРМАТИКА МАРКАЗИ

УБАЙДУЛЛАЕВА ХУРШИДА АБДУЛЛАЕВНА

**ВЎЗАНИНГ (*GOSSYPIMUM SSP*) ФИТОХРОМ А1 ГЕНИ РНК
ИНТЕРФЕРЕНЦИЯСИНИНГ ГЕНЕТИК-ХУЖАЙРАВИЙ АСОСЛАРИ
ВА ГЕН-НОКАУТ “ПОРЛОҚ” НАВЛАРИНИНГ ФИЗИОЛОГИК,
БИОКИМЎВИЙ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

03.00.14 – Геномика, протеомика ва биоинформатика

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019.

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавления автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Убайдуллаева Хуршида Абдуллаевна

Ѓўзанинг (*Gossypium* ssp) фитохром A1 гени РНК интерференциясининг генетик-хужайравий асослари ва ген-нокаут «Порлок» навларининг физиологик, биокимёвий тадқиқ қилиш 3

Убайдуллаева Хуршида Абдуллаевна

Исследование генно-клеточных особенностей РНК интерференции гена фитохрома A1 хлопчатника (*Gossypium* ssp), а также физиолого-биохимических параметров ген-нокаутных сортов «Порлок»..... 29

Ubaydullaeva Khurshida Abdullaevna

Investigation of genetic and cellular peculiarities of RNA interference of phytochrome A1 gene of cotton (*Gossypium* ssp) as well as physiological, biochemical parameters of RNAi varieties “Porloq” 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 59

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.В.53.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГЕНОМИКА ВА БИОИНФОРМАТИКА МАРКАЗИ

УБАЙДУЛЛАЕВА ХУРШИДА АБДУЛЛАЕВНА

**ВЎЗАНИНГ (*GOSSYPIUM SSP*) ФИТОХРОМ А1 ГЕНИ РНК
ИНТЕРФЕРЕНЦИЯСИНИНГ ГЕНЕТИК-ХУЖАЙРАВИЙ АСОСЛАРИ
ВА ГЕН-НОКАУТ “ПОРЛОҚ” НАВЛАРИНИНГ ФИЗИОЛОГИК,
БИОКИМЁВИЙ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

03.00.14 – Геномика, протеомика ва биоинформатика

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.DSc/B82 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Геномика ва биоинформатика марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.genetika.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Абдурахмонов Иброхим Юлчиевич**
биология фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар: **Ризаева Сафия Мамедовна**
биология фанлари доктори, профессор

Кадырова Дильбар Абдуллаевна
биология фанлари доктори, профессор

Мухамедов Рустам Султанович
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Биоорганик кимё институти**

Диссертация ҳимояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.29.08.2017.B.53.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори юз п/б, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти маэлислар зали. Тел.: (99871) 264-23-90, факс: (99871) 264-22-30, e-mail: igebr@academy.uz, genetics@uzsci.net, gen@inst.gov.uz).

Докторлик диссертацияси билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, п/о Юқори юз, Генетика ва экспериментал биология институти. Тел.: (99871) 264-23-90.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.А. Нариманов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, к/х.ф.д.

С.К. Бабоев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, б.ф.д.

З.Т. Буриев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., катта илмий ходим

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё тўқимачилик саноатида олдинги йилларга нисбатан пахта толасидан (*Gossypium* spp.) кўпроқ фойдаланилмоқда, бу эса ғўзанинг қишлоқ хўжалиги экинлари орасида иктисодий жиҳатдан аҳамияти янада ортишига олиб келмоқда. Ғўза бутун дунё бўйлаб 80 дан ортиқ мамлакатда 32-34 млн гектар майдонга экилиб, йилига 25-65 млн метрик тонна ҳосил олинмоқда. Бугунги кунда бутун дунёда ғўзанинг иккита асосий аллотетраплоид тури *Gossypium hirsutum* (апланд-ғўза ёки ўрта толали ғўза) ва *Gossypium barbadense* (ингичка толали (ELS) ғўза ёки Пима/Си-айленд навли ғўза) етиштирилади. Жаҳон ғўза экин майдонларининг 90% дан кўпроғида етиштирилаётган ўрта толали ғўза навларининг, эрта пишарлиги ва бошқа ижобий агрономик хусусиятларини мужассамлаштиришда навларнинг физиологик ва биокимёвий хусусиятларини молекуляр даражада тадқиқ қилиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Дунёда ингичка толали (ELS) ғўза навларининг тола сифат белгиларини ўрта толали (апланд) ғўзага ўтказиш, апланд генотипларидаги эртапишарлик ва ҳосилдорликнинг барқарорлигини сақлаб қолишга катта эътибор қаратилмоқда. Ингичка толали (ELS) ғўза тури гарчи сифатли толага эга бўлса-да, кам ҳосиллиги, вегетация даврининг узунлиги, турли касалликларга мойиллиги ва сувни кўп миқдорда талаб этиши каби салбий хусусиятларга эга. Бу каби салбий белгиларни бартараф этишда анъанавий селекция ютуқлари чекланган бўлиб, бу Апланд ва Пима ғўза навларини турлараро дурагайлашдаги дурагайларда учрайдиган деформацияланган сегрегация ва белгилар стабиллигининг чекланганлиги билан изоҳланади. Апланд-ғўзада (*G. hirsutum*) анъанавий селекция усуллари орқали тола сифати, эрта гуллаши, эрта пишиши ва ҳосилдорлик каби ижобий белгиларни яхшилашда RNAi ген-нокаут ўсимликлардан фойдаланишни тақозо этади.

Ўзбекистонда юқори ҳосилдорликка эга, касалликларга ва зараркунандаларга нисбатан чидамли, маҳаллий тупроқ-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекцион навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Бунда ғўзанинг фитохром A1 (*PHYA1*) гени учун РНК-интерференциясининг (RNAi) энг замонавий концепциясини қўллаб, юқори тола сифатига эга бўлган ва абиотик стрессларга чидамли навларини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «... қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни жорий этиш ҳамда маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган янги селекция навларни яратиш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда тола сифати ва ҳосилдорлиги юқори бўлган, атроф муҳитнинг ноқулай шароитларига ва патогенларга чидамли бўлган ғўзанинг янги

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

навларини яратишда ген-нокаут технологиясидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон республикаси президентининг 2019 йил 17 июн ПФ-5742-сон « Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисидаги» фармони ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқот ишларидан олинган натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларини ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи²

Икки занжирли РНК (dsRNA), ёрдамида ген сайленсинг таъсирини амалга оширишнинг молекуляр-генетик механизмларини аниқлашга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилган, шу жумладан Mississippi State University (АҚШ), Institute for Genomics, Biocomputing and Biotechnology (АҚШ), Texas A&M University (АҚШ), Biodiversity Institute of Ontario (Канада), Huazhong Agricultural University (Хитой), Shanghai Institutes for Biological Sciences (Хитой).

Ғўза генларининг нокаут таъсирининг молекуляр механизмларини аниқлаш бўйича дунёда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: ғўзада тола ва уруғларни ривожланишида транскрипция омили (*GhHOX3*) *MiB* ва *HD-ZIP* генларининг роли аниқланган (CSIRO Plant Industry, Австралия); вакуолаларга хос инвертазани (*GhVIN1*) тартибга солиш функцияси толанинг хужайра элонгацияси ва дифференциациясида аниқланган (University of Newcastle, Австралия; Shanghai Institutes for Biological Sciences, Хитой); толанинг ривожланишида фасцилинга ўхшаш арабиногалактан (*FLAs*) генининг муҳим роли аниқланган (Huazhong Agricultural University, Хитой); толанинг ривожланишида сахарат синтаза генларининг роли аниқланган (Commonwealth Scientific and Industrial Research Organization Plant Industry, Австралия).

Жаҳонда ген-нокаут технологиясини қишлоқ хўжалик экинларининг хосилдорлик ва сифат белгиларини яхшилашда қуйидаги устивор

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.msstate.edu>, <https://www.mafes.msstate.edu>, <https://www.tamu.edu>, <https://biodiversity.uoguelph.ca>, www.hzau.edu.cn, <https://www.natureindex.com>

йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда: RNAi механизмларини аниқлаш, генларнинг сайленсингини амалга оширишда иштирок этадиган молекуляр компонентларни аниқлаш, ғўзада RNAiни молекуляр-генетик механизмларининг хусусиятлари, уни генлар экспрессиясини антиманноли сустлаштиришидан фарқлари, ғўзанинг функционал геномикаси учун RNAi технологиясини, шу жумладан тола сифати ва унумдорлиги учун маъсул бўлган RNAi генларини қўллаш, шунингдек, тола, уруғ ва мой сифатини яхшилаш, турли биотик ва абиотик стрессларга чидамлилиги учун маъсул бўлган RNAi генларини аниқлаш.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. РНК интерференциясини амалга оширишга маъсул бўлган молекуляр хужайра механизмларини аниқлаш бўйича кўплаб тадқиқотлар етакчи хорижий илмий марказларда ўтказилган. Масалан, RNAi *GhMYB25* генига ўхшаш ген таъсирини аниқлашда ғўза толаси ва уруғларини ривожланишида *MiB* ва *HD-ZIP* транскрипцион омил (*GhHOX3*) генларининг муҳим функционал роли аниқланган (Machado et al.; Walford et al., CSIRO Plant Industry, Австралия).

Шу билан бирга, тола хужайралари элонгациясини таъминлайдиган тахминий механизм бу гибберелин кислотаси сигналини гомеодомен оксил билан трансдукциясидир (Shan et al., Shanghai Institutes for Biological Sciences, Хитой). Худди шундай, хужайраларнинг узайиши ва ўсишининг яна бир омили - вакуолаларга хос инвертаза (*GhVIN1*) толалар ривожланишининг дастлабки даврида уруғ тўқималаридан тола хужайраларини пайдо бўлиши ва шаклланишини белгилайдиган генларни бошқариш учун муҳим бўлган гексоз сигналига воситачилик қилади. Шунингдек, пахта толасини *GhAGP4* RNAi трансген ўсимликлардан фойдаланган ҳолда ривожланишида фасциклин - ўхшаш арабиногалактан (*FLAs*) генининг муҳим роли ўрганилган. *GhAGP4* RNAi трансген ўсимликлардан фойдаланиш, пахта толасини ривожланишида фасциклинга ўхшаш арабиногалактан генининг муҳим ролини топиш имконини берган (Li et al., Huazhong Agricultural University, Хитой). Бундан ташқари, *GbPDF1* RNAi ўсимликларининг батафсил тавсифи водород пероксиди ва этилен билан пектинни синтез қилиш ёки толаларни ривожланишида қанд моддаларини ташиш билан боғлиқ ферментларнинг таъсир механизмлари аниқланган (Deng et al., Huazhong Agricultural University, Хитой). Ғўза *PHYA1* RNAi транскриптом таҳлили 28 та метаболитик йўли бўйича KEGG ёрдамида хариталанган 142 та генлар дифференциал-экспрессиясини (ГДЭ) топиш имконини берган (Miao et al., Mississippi State University, АҚШ).

Ўзбекистонда RNAi таъсирни амалга ошириш бўйича молекуляр тадқиқотлар, ғўза фитохром A1 генининг сайленсинг таъсирини амалга оширишининг батафсил механизмларини аниқлаш назарий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Геномика ва бионформатика маркази илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф-5-Т030 “Инновацион биотехнологияларни

ривожлантириш учун устивор қишлоқ хўжалиги экинларининг геномларини тадқиқ қилиш” (2012-2016), И-2015-6-15 “Порлоқ - ғўза навларини ген-нокаут уруғларини қайта ишлаш махсулотларининг кўрсаткичларини кимёвий, биокимёвий ва фармако-токсикологик баҳолаш” (2015-2017), мавзусидаги фундаментал ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ғўза (*Gossypium ssp*) фитохром А1 гени РНК интерференциясининг ген-хужайравий хусусиятларини, ҳамда “Порлоқ” ген-нокаутли навларининг физиологик-биокимёвий хусусиятларини, яъни кислороднинг фаол шакллариининг миқдорини, асосий антиоксидант ферментларининг фаоллигини, ёғ кислоталар ва углеводлар таркибини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Порлоқ ген-нокаут ғўза навлари ва линиялари (Т₁₋₇ ва Т₃₁₋₁₀), ҳамда назорат сифатида олинган Кокер-312, АН-Боёвут-2 ва С-6524 ғўза навлари ва линияларида фитохром А1 ва В генларининг қиёсий экспрессиясини аниқлаш;

PHYA1 генининг RNAi технологиясидан фойдаланган ҳолда олинган ген-нокаут линиялари ва “Порлоқ” ғўза навларининг дифференциал экспрессияланувчи генларини қиёслаш;

азот алмашинуви ферментлари, хусусан, нитратредуктазининг ген-нокаут ва назорат ғўза линиялари ва навларида сутка давомида ривожланиш босқичига, шунингдек, геномда вектор конструкциясининг мавжудлигига қараб фаоллигини аниқлаш;

ғўзанинг “Порлоқ” ген-нокаут линиялари ва навлари ҳамда оналик шакллари сифатида олинган маҳаллий навларда фотосинтез параметрларини аниқлаш (фотофосфорилловчи фаоллик, квант чиқиши, фотосинтетик пигментларнинг таркиби – а ва в хлорофиллар, антоцианлар ва каротиноидлар, Кальвин-рибулозо-1,5-бисфосфаткарбоксилаза (RuBPC) ва фосфоенолпируват карбоксилаза (PEPC) цикли ферментларининг фаоллиги);

ғўзанинг RNAi ва назорат линия ва навларида антиоксидант тизим параметрларини (кислороднинг фаол шакллари, липид пероксидазининг якуний махсулотлари, асосий антиоксидант ферментларининг фаоллиги - (SOD), каталаза (CAT), пероксидаза (POD), аскорбатпероксидаза (APX) ва глутатионредуктаза (GR))ни қиёслаш;

геномдаги вектор конструкциянинг мавжудлигига қараб, турли ғўза генотипларида биокимёвий хусусиятларни (ёғ кислотаси таркиби, пролин миқдори, эрувчан қанд ва крахмал) аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ғўзанинг *G. hirsutum* турига мансуб ген-нокаут ва маҳаллий навлари ва линияларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг предмети ғўзанинг турли генотипларида молекуляр-генетик тадқиқотлар – полимераза занжир реакцияси (ПЗР) ёрдамида реал-тайм генлар экспрессияси, азот алмашинуви ферментларининг фаоллигини аниқлаш, фотосинтетик фаоллик параметрларини топиш, антиоксидант ферментларнинг фаоллигини ва биокимёвий параметрларини тахлил қилиш ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда молекуляр биологиянинг асосий усуллари, жумладан, ДНК ажратиш, реал-тайм ПЗР таҳлили, газ хроматографияси усуллари, ферментлар фаоллигини аниқлашнинг биокимёвий усуллари, спектрофотометрик ва флуорометрик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотларнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ғўзанинг Порлоқ-1 ва Порлоқ-2 навларида фитохром А1 генини экспрессияси пасайган вақтда фитохром В генининг оверэкспрессияси белгиланган;

ғўзанинг Порлоқ-1 ва Порлоқ-2 навларида тола сифати ва абиотик стрессларга чидамлилигини белгилаб берувчи генларнинг дифференциал экспрессияси аниқланган;

“Порлоқ” ген-нокаут навларида бошланғич шаклларига нисбатан нитратредуктазали фаоллигининг юқори даражаси ўрнатилган;

илк бор фотосистемалар орасидаги оқимларни алмаштиришнинг кўпроқ беқарорлиги ва фотосистема II нинг юқори ҳароратга нисбатан барқарорлиги “Порлоқ” ген-нокаут навларида аниқланган;

ғўзанинг RNAi навларида назорат ўсимликларга нисбатан квант чиқишининг параметрини статистик жиҳатдан анча юқори қийматлари ва шунга мос равишда фотосинтез аппарати ишининг юқори самарадорлиги кузатилган;

ғўзанинг “Порлоқ” ген-нокаут навларида бошланғич ва оналик шаклларига нисбатан Кальвин циклининг ферментларини (RuBPC ва PEPC) сезиларли даражадаги фаоллиги аниқланган;

ғўзанинг ген-нокаут навлари барг тўқималарида бошланғич ва оналик навларига нисбатан кислороднинг фаол турларидан бири - H_2O_2 ва липидларнинг пероксидациясининг якуний маҳсулоти – малон диальдегидининг қуйи даражалари аниқланган;

барча антиоксидант ферментларнинг (SOD, CAT, POD, APX ва GR) фаоллиги турли генотиплар орасида сезиларли даражада фарқ қилганлиги ва генотипда вектор тузилиши мавжудлиги билан боғлиқлиги кўрсатилган;

ген-нокаут навларининг ёғ кислотаси таркибида назорат Кокер-312 генотипига нисбатан тўйинмаган ЁКнинг (UFA) улуши катталиги ва тўйинган ЁКнинг (SFA) улуши кам эканлиги аниқланган;

ген-нокаут ва назорат ғўза навларида эркин пролин тўпланишини таҳлил қилиш, ушбу параметрнинг вектор конструкцияси мавжудлигига ва навларнинг абиотик стрессларга чидамлилиги билан корреляция мавжудлигига боғлиқлигини кўрсатилган;

илк бор Порлоқ-1 ва Порлоқ-2 ген-нокаут навларида эрувчан қандлар ва сахароза юқори миқдорда эканлиги аниқланди, тегишли равишда сахароза/крахмал нисбатининг қиймати Кокер-312 назорат линиясига нисбатан юқори эканлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

RNYA1 гени сайленсинги вақтида фитохром В генини оверэкспрессияси “Порлоқ” сериясидаги ғўза навларининг ҳосилдорлигини ва толасининг

сифат кўрсаткичларини, *PHYA1* генининг RNAi таъсирини амалга ошириш фитогормонал регуляция тизими орқали амалга оширилиши мумкинлиги, ғўза RNAi генотипларининг курғоқчилик ва шўрланиш стрессларига чидамлилигини ошириши аниқланган.

ген-муҳандислиги усулларида яратилган генетик ўзгартирилган навларнинг хавфсизлиги баҳоланган, генетик ўзгартирилган махсулотлар (ГЎМ)ни яратишнинг оптимал ва хавфсиз стратегиясини ишлаб чиқилган ҳамда генетик-муҳандислик усулида олинган махсулотлардан фойдаланишда хавфсизлиги таъминланган.

Тадқиқот натижаларини ишончлилиги. Тадқиқотнинг ишончлилиги геномиканинг замонавий усул ва ёндашувлари, биокимёвий, спектрофотометрик усуллари ёрдамида тасдиқланган. Маълумотларнинг вариациялар таҳлили (ANOVA), молекуляр вариациялар таҳлили (AMOVA), корреляцион таҳлил, Пирсон тамойиллари ва бошқа статистик усуллардан фойдаланиб, таҳлил қилинган ва тасдиқланган. Олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши, натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *PHYA1* гени РНК интерференцияси натижасида нафақат ғўза толасининг ривожланиши, балки ўрганилаётган ғўза генотипларининг курғоқчилик ва шўрланиш стрессларига чидамлилигини оширишга хизмат қилиши, фитогормонал регуляция тизими орқали амалга оширилиши мумкинлигини исботланди; ғўза геномида генетик вектор конструкциянинг мавжудлиги, ген-нокаут навларининг ҳосилдорлиги ва баргларидаги фотосинтетик тизими ҳамда азот алмашинуви ферментларининг фаоллиги ўртасидаги бевосита боғлиқлик кўрсатилган; ғўзанинг RNAi навларини абиотик стрессларга чидамлилигининг асосий механизмлари фитогормонларнинг метаболизмини тартибга солувчи генларнинг дифференциал экспрессияси, шунингдек, антиоксидант ферментларнинг фаоллиги ошишини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ғўзанинг биотик ва абиотик стрессларга чидамлилиги ва барқарорлигини ошириш механизмларини аниқловчи ва тола сифати яхшиланган ғўзанинг янги серҳосил навларини яратишда номзод генларни танлаб олишда ишлатилганлиги, *PHYA1* гени РНК интерференцияси фитогормонал регуляция тизими орқали амалга оширилиши мумкинлиги, бу нафақат ғўза толасини ривожлантиришга, балки ўрганилаётган ғўза генотипларининг абиотик стрессларга чидамлилигини оширишга ёрдам бериши асослаб берилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Ғўзанинг фитохром A1 гени (*Gossypium* spp) РНК интерференцияси ген-хужайра хусусиятларининг илмий натижалари, шунингдек, “Порлоқ” ген-нокаут навларининг физиологик-биокимёвий параметрлари асосида:

Ўрта толали ғўзанинг Порлоқ-1 навиغا Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг (№ NAP 00146) рақамли селекция

ютуғига патенти олинган. Натижада Порлоқ-1 ғўза навидан юқори сифатли пахта толаси олиш имконини берган;

Ўрта толали ғўзанинг Порлоқ-2 навига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг (№ NAP 00147) рақамли селекция ютуғига патенти олинган. Натижада Порлоқ-2 ғўза навининг юқори ҳосилдорлиги, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги ҳисобига юқори сифатли пахта ҳосили олиш имконини берган;

Порлоқ-1 ва Порлоқ-2 ғўза навлари Республика вилоятларида фермер хўжалиқларига жумладан, Порлоқ-1 нави 2013-2019 йиллар мобайнида 133 минг 491.3 гектар, Порлоқ-2 нави эса 2013-2019 йилларда 54 минг 477.8 гектар майдонда жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 31 октябрдаги Т-9/02-1087-сон маълумотномаси). Натижада, янги навлардан гектаридан ўртача 40 центнер ҳосилдорликка эришилган ва микронейри 4,2, тола пишиқлиги (Str) 37,9 гкуч/текс, тола узунлиги (УНМ) 1,27 дюйм бўлган юқори сифатли тола олиш имконини берган;

Ўзанинг функционал геномикаси учун РНК интерференцияси бўйича олинган натижаларидан 4 та хорижий импакт фактори юқори журналларда – ғўзанинг тола узунлиги белгисини назорат қилувчи генларни аниқлашда, фитохром генлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганишда фойдаланилган (PLoS ONE, oct 2017/ <https://doi.org/10.1371/journal.pone.0186240> Research Gate IF-2,76; Genet.mol.Res. 2016, Dec. Research Gate IF -0,75; AJPS Jan 2017, IF -5,46; BMC Genetics, oct 2016, IF 3,73). Натижада янги ген-нокаут технологиясини қўллаш услубларини мукаммалаштириш ва янги узун толали ғўза навларини яратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси. Ушбу тадқиқот натижалари 13 та, жумладан, 3 та ҳалқаро конференция ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий ишлар чоп этилган. Шундан 16 таси илмий мақола, шу жумладан, 10 таси республика ва 6 таси хорижий Ўзбекистон Республикаси олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган журналларда; ғўзанинг Порлоқ-1 ва Порлоқ-2 навлари учун 2 та республика муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация структураси кириш, етита боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 197 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва талабгорлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифлаб берилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган,

тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақидаги маълумотлар очиқ берилган.

«РНК-интерференция: компонентлар, механизмлар ва функциялар» деб номланган диссертациянинг биринчи бобида RNAi механизмларини аниқлаш, генларнинг сайленсингини амалга оширишда иштирок этадиган молекуляр компонентларни, шунингдек, турли организмларда ушбу жараённинг хусусиятлари ва функцияларини, унинг эволюциясини, хавфсизликни баҳолашнинг мумкин бўлган дастурини ва қисқача шарҳини аниқлашга бағишланган молекуляр-генетик тадқиқотлар келтирилган;

«Ёўзанинг агрономик хусусиятларини яхшилаш учун РНК интерференциясини қўллаш» мавзусидаги диссертациянинг иккинчи бобида ёўзада RNAi молекуляр-генетик механизмларининг хусусиятлари, уни генлар экспрессиясини антимаъноли сустлаштиришдан фарқлари, RNAi ёўзани функционал геномикасида қўллаш, хусусан тола сифати ва фертилликга жавоб берувчи генларни, ҳамда тола, уруғ ва ёғ сифатини ошиши ва биотик ва абиотик стрессларга чидамлик учун жавоб берувчи генларни РНК-интерференцияси кўриб чиқилган. Бундан ташқари ушбу бобда RNAi технологияси ёрдамида олинган дала синовлари ва навларни тижоратлаштириш бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Материаллар ва тадқиқот усуллари»** деб номланган диссертациянинг учинчи боби диссертация ишини бажаришда фойдаланилган усулларга бағишланган.


Бу ерда ўсимлик материалининг батафсил тавсифи ва ишлатилган реагентлар, молекуляр биология усуллари, шу жумладан ДНКни ажратиб олиш, ПЗР ўтказиш ва реал вақтда (Real time) ПЗР, газ хроматографияси усуллари, ферментларнинг фаоллигини аниқлашнинг биокимёвий усуллари, фотосинтез аппарати фаоллигини аниқлашнинг спектрофотометрик ва флуорометрик усуллари келтирилган.

“Ёўза ген-нокаут навларининг ген экспрессиясини аниқлаш” мавзусидаги диссертациянинг тўртинчи бобида *PHYA* генининг RNAi технологиясидан фойдаланган ҳолда олинган Порлоқ ёўза навлари ва дастлабки ген-нокаут линияларининг генларини қиёсий дифференциал экспрессияси, шунингдек A1 ва B фитохром генлари экспрессиясини ўрганиш натижалари келтирилган.

Шу билан бирга, ёўзанинг T₁-7 ва T-31-10 ген-нокаут линиялари, Порлоқ-1 ва Порлоқ-2 навларида фитохром генларини экспрессиясининг молекуляр-генетик таҳлилини ўтказиш натижасида, Кокер-312 линияси ва вектор конструкциясини киритиш мақсадида чаптиштириш учун олинган оналик шаклларига нисбатан *PHYA1* генини экспрессия даражаси АН-Боёвут-2 (Порлоқ-1 нави учун), С-6524 (Порлоқ-2 нави учун) ва референс линия Кокер-312 га нисбатан 2,8 ва 1,3 мартага ортгани кузатилди (1-расм).

С-6524 навида РНУВ генининг экспрессия даражаси Кокер-312 га нисбатан 65%га камайган, АН-Боёвут-2 навида ҳам бироз камайгани (5%га

яқин) кузатилди.




1-расм. Ғўзанинг модификацияланмаган ва ген-нокаут навларида генларнинг қиёсий экспрессияси. Генларнинг экспрессия даражалари эталон сифатида олинган убиквитин генидан GhUBQ7 фойдаланиб, меъёрлаштирилди. Қиймати $P \leq 0,05$.

Шу билан бирга, Порлок ген-нокаут навларида *PHYA1* гени экспрессия даражасини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, Порлок-1 навида *PHYA1* транскриптлар, трансформация учун олинган бошланғич Кокер-312 линиясига нисбатан 50% га пасайган ва вектор конструкцияни киритиш учун фойдаланилган АН-Боёвут-2 навида нисбатан 80%га камайган. Бир вақтнинг ўзида Порлок-2 навида *PHYA1* экспрессияси Кокер-312 линиясига нисбатан 33%га камайган ва оналик шакли бўлган С-6524 навида нисбатан 40%га камайган.

Бундан ташқари, ғўзанинг назорат ва ген-нокаут навларида *PHYB* генини қиёсий экспрессиясини ўрганиш вақтида, ғўзанинг ген-нокаут Порлок-1 навида *PHYB* генининг экспрессияси бошланғич Кокер-312 линияси ва оналик нави бўлган АН-Боёвут-2 навида нисбатан 1,5 ва 1,6 мартага ортгани кузатилди (1-расм, А). Порлок-2 навида *PHYB* транскриптарининг даражаси бошланғич линия Кокер-312 ва оналик нави бўлган С-6524 га нисбатан 1,3 ва 1,4 мартага ортгани кузатилди (1-расм, В).


Шу билан бирга, мазкур бобда ғўзанинг ген-нокаут ва оналик сифатида олинган маҳаллий навларида генларнинг дифференциал экспрессиясини (ГДЭ) ўрганишга бағишланган маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот натижаларидан, ген-нокаут навларида кўпгина генларнинг транскрипция даражаси бирмунча ўзгаргани маълум бўлди. Мисол учун, абсиз кислотасини (АВА) оксидловчи деградациясини биринчи босқичини катализлайдиган цитохром Р-450 монооксигеназа турини АВА 8'-гидроксилазани (*Gh_D08G1639*) кодлайдиган ген экспрессияси ортган (2-расм, А, В; 3-расм, А, В).



2-расм. Ғўзанинг модифицирланмаган ва ген-нокаут линиялар ва Порлоқ-1 навида ГДЭ қиёсий экспрессияси. Генларнинг экспрессияси даражаси эталон сифатида олинган убиквитин GhUBQ7 гени ёрдамида меъёрлаштирилди.

Бундан ташқари, РНУА1 гени сайленсинги биогенез жараёнида ва хужайра деворини ҳосил бўлишида иштирок этган баъзи оқсиллар ҳамда ферментларга таъсир кўрсатиши аниқланди. Мисол учун ксилоглюкан эндотрансглюкозилаза гидролаза (*Gh_D02G0992*) оқсиллар оиласини кодлайдиган ген экспрессияси Порлоқ навларида бошланғич линия Кокер-312 га ва оналик навлари АН-Боёвут-2 ва С-6524 га нисбатан ортгани кузатилди (2-расм, А, В; 3-расм, А, В).



3-расм. Ғўзанинг модифицирланмаган ва ген-нокаут линиялар ҳамда Порлоқ-2 навида ГДЭ қиёсий экспрессияси. Генларнинг экспрессияси даражаси эталон сифатида олинган убиквитин GhUBQ7 гени ёрдамида меъёрлаштирилди.

Бир вақтнинг ўзида ген-нокаут навларда ГДЭ транскриптлари даражасини қиёсий ўрганиш шуни кўрсатдики, ген-нокаут навларини ГДЭ транскрипт даражасини қиёсий ўрганиш оқсил оиласига мансуб ole E1 чанг аллургени ва экстенсин (*Gh_D05G0805*), цитозол сульфотрансфераза 12 га ўхшаш оқсил (*Gh_D13G0889*), 11 *scr4*-ассоциирланган омилнинг эхтимолдаги


гомологи (*Gh_D09G0953*), *ein3*-боғловчи f-бокс ўхшаш оксил (*Gh_D05G0148*), дегидрогеназа алкоголи (*Gh_D02G0733*), липоксигеназа-3 (*Gh_D10G2595*), пектинэстераза (*Gh_D11G2932*) ингибиторига ўхшаш оксил, ва гипотетик оксил M569_00222 (*Gh_Sca016160G01*) лари ҳар иккала ген-нокаут Порлоқ навларида назорат Кокер-312 линиясига нисбатан ортгани кузатилди. Бошқа генларнинг экспрессияси, шу жумладан *Gh_D05G3509* (*scarecrow*-ўхшаш оксил 21) ва *Gh_A05G0931* (фосфотаза эхтимолидаги оксили 2с 25) генлари, RNAi навларида Кокер-312 линиясига нисбатан камайгани кузатилди (2-расм, А, В; 3-расм, А, В).

Шундай қилиб, ген-нокаут навларининг баргларидаги ГДЭ, *PHYA* ва *PHYB* генларининг қиёсий экспрессияси бўйича маълумотларни умумлаштириб, шундай хулосага келиш мумкинки, *PHYA1* генининг RNAi таъсирини амалга ошириш фитогормонал регуляция тизими орқали амалга оширилади, бу эса нафақат ғўза толасини ривожланишига, балки ўрганилаётган ғўза генотипларининг сув ва туз стрессига чидамлилигини оширишга ёрдам беради.

«Ќўза ген-нокаут навларида азот алмашинуви ферментларининг фаоллигини ўзгартириш» мавзусидаги диссертациянинг бешинчи бобида азот алмашинуви ферментлари, хусусан, ген-нокаут ва ген-нокаут бўлмаган ғўза навларида нитратредуктаза фаоллигининг ўзгариши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Ќўзанинг турли вегетатив органларида нитратларнинг парчаланиш тезлигини ўрганиш давомида барча ўрганилган ғўза навларида нитратларни қайта тикланишининг энг юқори даражаси баргларга тегишли эканлиги аниқланди (4-расм, А).

Ќўзанинг турли вегетатив органларида нитратлар таркибини ўрганишда шу нарса маълум бўлдики, ўрганилаётган ўсимликлар органларида нитратлар микдори бўйича нитратредуктаза фаоллигига мос келадиган қонуният йўқ (4-расм, В).



4-расм. Тадқиқотда ўрганилган ғўза навлари органларида нитратредуктазанинг потенциал фаоллиги ва нитратлар таркиби. А - NR фаолияти, В - NO₃ таркиби. Эслатмалар: абсцисса ўқи бўйлаб – ўрганиладиган навлар; ордината ўқи бўйлаб – нитратредуктаза фаоллиги, мкмол/с г хом вазнда

Барча ўсимликларнинг илдизларидаги нитратларнинг миқдори, барглардаги нитратлар миқдори билан бир хил ёки ундан пастроқ бўлди. Бу эса, сўрилган нитратларнинг илдизларда тўпланмаганлигини, балки илдизда қайта тикланганлигини ёки ер усти органларига ўзгармаган ҳолда етказиб берилганини айтиш имконини беради.

Шу билан бирга, тадқиқотларда ўсимликларнинг ривожланиш босқичларида ғўза вегетатив органларининг нитратларни қайта тикланиш жараёнидаги аҳамияти ўрганилди. Ғўза баргларида нитратларнинг қайта тикланиш тезлиги юқори эканлиги ва вегетациянинг охириги босқичларидагина пасайгани кузатилди.

Ўсимликлар поясида нитрат редуктаза фаоллиги кўсаклашиш фазасигача ортиб борди, сўнг органлар тўқималарини эскириши билан камайиб борди.

Ғўза ер устки қисми органлари, бутун вегетация даври мобайнида тупроққа ютилувчи комплекснинг нитратларини фаол равишда ўзлаштиради, бироқ ўсимликлар гуллашидан то мева ҳосил бўлгунига қадар оксил миқдори икки баробар камаяди.

Эҳтимол буни нитратредуктазанинг фаоллиги ер усти қисмининг хом вазн грамига ҳисоблаганда кескин камайиб кетиши билан тушунтириш мумкин.

Нитратредуктазанинг солиштирма фаоллиги – вақт бирлиги ичида оксилнинг бир бирлигига ҳисобланган тикланган нитратларнинг миқдори, нитратларни қайта тиклаш аппаратини ишлаш интенсивлигини тўлиқ кўрсатмайди. Шунинг учун ферментнинг фаоллигини органнинг бутун вазнини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаш тўғри бўлади.

Кузатишлар даврида нитратларнинг қайта тикланиш жараёни баргларда юқори кўрсаткичга эга бўлди. Бироқ, вегетация даврида ўсимликлар томонидан нитратларни умумий ўзлаштирилиши 94% дан 87% гача камайди, бунда поя ва илдизларнинг бу жараёндаги роли деярли ўзгармади.

Нитратларни тикланиш жараёнида ғўза ўсимлигининг барча органлари: барглари, поялари, мевалари ва илдизлари иштирок этади. Илдизларда нитратларнинг сезиларли камайиши кузатилмади. Ерусти органлари нитратларни бир хил миқдорда ўзлаштирмайди. Кузатув даврида нитратредуктазанинг энг юқори фаоллигига эга бўлган ўсимликларнинг баргларида, ёшга қараб, қабул қилинган нитратларнинг 87-94% ўзлаштирилиши мумкин.


Вегетация жараёнида ерусти органлари массасининг нисбати ўзгаришига қараб, ўсимликларнинг метаболизмига нитрат азотини киритишда уларнинг роли ҳам ўзгаради.

Ушбу жараённинг юқори фаоллиги ўсимликнинг ерусти органларида нитратларнинг тўпланишига олиб келмайди.

Юксак ўсимликлардаги нитрат редуктаза фаоллиги циркад ритмга бўйсунганини ҳисобга олиб, нитратредуктаза фаоллигини кун вақтига боғлиқлиги ўрганилди. Шу билан бирга, ғўзанинг Кокер-312 линиясида нитратредуктаза фаоллигини ўрганиш шуни кўрсатдики, барглардаги

фермент фаоллиги куёш чикқанидан 5-6 соатдан кейин, яъни кун ярмига бориб максимал қийматга етди (5-расм).

Ўсимликлар ерустки қисмидаги нитратлар миқдори кун давомида ўзгаради, аммо уларнинг энг кам миқдори уларнинг тикланиш тезлигининг



энг юқори даражаси даврида қайд этилади, яъни нитрат редуктаза фаоллигига нисбатан акс эттирилади.

Расм-5. Сутка вақтига қараб Кокер-312 ғўза линияси баргларида нитратредуктаза фаоллиги. Изох: абсцисса ўқи бўйлаб – куннинг вақти, соат; ордината ўқи бўйлаб – нитратредуктаза фаоллиги, мкмоль/с×г хом вазни. $P \leq 0,05$

Шундай қилиб, ғўзада

нитратредуктазанинг фаоллиги кун давомида сезиларли даражада ўзгаради.

Ғўза нитратредуктаза фаоллигидаги кундалик ўзгаришлар органларнинг нитратларни тиклаш жараёнига қўшган хиссаси ўзгаришига олиб келмайди. Куннинг вақти ва муҳитдаги азот миқдоридан қатъий назар, барг нитратларни тиклаш жараёнида доминант орган бўлиб қолди (5-расм). Шу билан бирга, ғўзанинг назорат ва ген-нокаут навларида фермент фаоллигини қиёсий ўрганилди. 1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, синов даврида АН-Боёвут-2 навида нитратредуктаза фаоллиги ўртача 11,71 ммол (минимал қиймат) дан 17,82 ммол (максимал) гача ўзгариб, ўртача 14,30 ммолни ташкил қилди.

1-жадвал.

Ғўзанинг ген-нокаут навлари баргларининг бошланғич нав намуналарига нисбатан нитратредуктаза фаоллиги [ммол NO_2^- (г хом вазн, соат) $^{-1}$]

Генотиплар	Нитратредуктаза фаоллигини аниқлаш вақти*				Ўртача арифметик $M \pm m$
	I	II	III	IV	
0 сегрегант	13,42±0,20	14,56±0,22	18,75±0,25	14,47±0,23	15,30±0,22
Кокер-312	12,35±0,19	13,64±0,21	18,26±0,25	15,14±0,23	14,85±0,22
Т 1-7	15,21±0,22	16,48±0,23	19,86±0,24	20,87±0,25	18,11±0,23
Т 31-10	14,31±0,21	15,37±0,22	18,79±0,23	19,65±0,24	17,03±0,22
АН-Боёвут-2	11,71±0,18	12,91±0,20	17,82±0,24	14,74±0,22	14,30±0,21
Порлоқ-1	18,05±0,22	12,11±0,20	17,82±0,23	22,11±0,25	17,52±0,22
С-6524	14,45±0,20	19,14±0,23	20,39±0,26	16,34±0,22	17,58±0,23
Порлоқ-2	15,31±0,21	19,71±0,23	21,37±0,25	22,05±0,27	19,61±0,24

* I – 10 июл, II – 15 июл, III – 21 июл, IV – 25 июль. $P \leq 0,05$


Ген-нокаут ғўза навларида “М” нитратредуктаза фаоллигининг ўртача арифметик қиймати Порлоқ-1 навида 17.52 ммол бўлиб, бу бошланғич оналик “АН-Боёвут-2” навиға нисбатан 22.94% юқори кўрсаткичға эға бўлди.

С-6524 ғўза нави намунасида ўхшаш параметрлар 14.45 ва 20.39 рақамлар билан белгиланган, ўртача арифметик қиймати мос равишда «М» - 17,58 мкмоль билан ифодаланди, ген-нокаут Порлоқ-2 навида эса бу кўрсаткич 19.61 ммолға тўғри келди, бу эса Порлоқ-2 нави бошланғич она шакли С-6524 навиға нисбатан 11.55% юқорилигини билдирди.

Порлоқ-2 навининг ўртача арифметик “М” қиймати барча синовдан ўтган генотиплар орасида энг юқори кўрсаткичға эға бўлди (1-жадвал).

Шундай қилиб, ғўзанинг Порлоқ ген-нокаут навларида бошланғич навларига (АН-Боёвут-2 ва С-6524) нисбатан нитратредуктаза фаоллиги юқори даражаси, ғўза геномиға *PHYA1* – RNAi векторнинг киритилиши, ноорганик азот ўғитларини ташиш ва уларни парчаланишида иштирок этувчи тизимларни келтириб чиқаради, шу билан бирға ген-нокаут навларининг умумий ҳосилдорлигини оширади деб тахмин қилишға асос бўлади.

“Ғўза ген-нокаут навларида фотосинтетик фаоллик” мавзусидаги диссертациянинг олтинчи бобида ғўзанинг турли навларининг фотосинтетик фаоллигини, жумладан, Порлоқ навларини қиёсий ўрганиш натижалари келтирилган. Шу билан бирға, биринчи босқичда кундалик ҳароратнинг ўзгаришиға қараб, назорат ва ген-нокаут ғўза навлари хлоропластларининг фотофосфорилловчи фаоллигидаги циркадли ўзгаришлари ўрганилди (6-расм).



6-расм. Ғўзанинг циклик (А) ва циклик бўлмаган фосфорилланиш (В) фаоллигини кундалик ҳароратға боғлиқлиги. 1 – ноль сегрегант, 2 – Кокер-312, 3 – Т 31-10, 4 – Т 1-7, 5 – АН-Боёвут-2, 6 – Порлоқ-1. $P \leq 0.05$

6-расмда $+23^{\circ} \text{C}$ дан $+45^{\circ} \text{C}$ гача бўлган ўзгарувчан кундалик ҳароратлар таъсирида (Порлоқ-1 нави бўйича маълумотлар берилган) ғўзанинг турли навлари хлоропластларининг фотофосфорилланиш фаоллиги тақдим этилган.


Олинган натижаларға кўра, ғўзанинг назорат ва ген-нокаут навларидан

циклик фосфорилланиш фаоллигининг маълум циркадли ритми кузатилган (6-расм, А). Шу билан бирга кунлик ҳароратнинг ортиши билан циклик фосфорилланиш (ЦФ) ва ациклик фосфорилланиш (НЦФ) тезлигининг ўзгаришлари (6-расм, В): кечки ҳарорат оралиғида НЦФ даражаси ЦФдан юқори бўлди, кундалик ҳароратнинг кунлик нормага кўтарилиши эса, электрон оқимларини циклик бўлмаган ҳолатидан цикликка ўтишига сабаб бўлди. ЦФ фаоллигининг энг юқари жаражаси 35°C га яқин ҳароратда кузатилди. Шу билан бирга, ген-нокаут бўлмаган ғўза навларининг хлоропластларида НЦФ жараёни анча термосезгир бўлиб чиқди: унинг тезлиги $+30^{\circ}\text{C}$ да 60% га пасайгани кузатилган, $+50^{\circ}\text{C}$ да унинг фаоллиги деярли нолга тенг бўлди (6-расм, В). Ген-нокаут Порлоқ навларида кундалик ҳароратнинг ортиши ЦФ фаоллигини ортишига сабаб бўлди (6-расм, А).

Бунда, ҳароратни $+30^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилиши ЦФ фаоллигини 15% га ортишига олиб келди ва кундалик ҳароратнинг $+40^{\circ}\text{C}$ га кўтарилиши тунги вақт давомида таянч кўрсаткичларга нисбатан ЦФ тезлигини деярли 2 мартага оширди (6-расм, А). Кундалик ҳароратнинг $+50^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилиши ЦФ интенсивлигини бироз камайишига олиб келди, бироқ унинг қиймати назорат намуналар даражасидан 55-70% га ортди. НЦФ га келсак, кундалик ҳароратини $+30^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилиши натижасида унинг фаоллиги 10% га камайган (6-расм, В). Бироқ, кундалик ҳароратини 40°C гача кўтарилиши тезликни назоратга нисбатан 2 марта камайишига олиб келди. Ҳароратнинг кунлик максимумгача ортиши натижасида НЦФ камайишида давом этди ва назорат даражасининг 35% ни ташкил қилди (6-расм).

Шундай қилиб, олинган натижаларга кўра, Порлоқ навларида НЦФ фаоллиги бошланғич оналик навларга нисбатан оз миқдорда камайди, бу ғўзанинг ген-нокаут навларида юқори ҳарорат стрессига нисбатан ФСII юқори барқарорликни намоён қилганини кўрсатади.

Хилл реакциясининг тезлигини кунлик ҳароратнинг ўзгаришига боғлиқлиги ҳам ўрганилди. 7-расмдан кўриниб турибдики, назорат ғўза навларининг суткалик ҳарорати $+30^{\circ}\text{C}$ гача ошганда Хилл реакцияси тезлигини камайгани яъни, ўртача 25% га тушгани кузатилди. Кундалик ҳароратнинг янада ошиши билан унинг фаоллиги пасайиб борди, кундалик



максимал ҳароратда минимал қийматларга (назорат даражаси 40%) эга бўлди (7-расм).

7-расм. Ғўзанинг турли навларида кунлик ҳароратга Хилл реакция тезлигини боғлиқлиги. Изоҳ: абсцисса ўқи бўйлаб – кун давомида ҳарорат ўзгариши; ордината ўқи бўйлаб – Хиллнинг реакцияси тезлиги, мкмоль P_n /(мг хлорофилл × ч). 1 – ноль сегрегант, 2 – Кокер-312, 3 – Т 1-7, 4 – Т 31-10, 5 – АН-Боёвут-2, 6 – Порлоқ-1. $P \leq 0,05$

Бир вақтнинг ўзида Порлоқ навлари ўсимликлари кундалик температураларда иссиқликка чидамлилиги билан характерланади: Хилл реакцияси тезлигининг ишончли пасайиши фақат кунлик ҳароратнинг субмаксимал ва максимал қийматларида (тахминан 15%) қайд этилди.

Биргаликда олиб борилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, Порлоқ ген-нокаут навлари иссиқлик таъсири натижасида (ҳароратнинг суткалик ўсиши) бир вақтнинг ўзида НЦФ ва Хилл реакциясини ингибирланиши кузатилган.


Ушбу маълумотлар шуни кўрсатадики, бу турдаги хлоропластларнинг фотосинтетик фаоллигининг камайиши юқори ҳароратда, биринчи навбатда, сув оксидланиш марказининг ишини бузилиши билан боғлиқ.

Шу билан бирга, ғўзанинг бошланғич она шакллари кундалик ҳароратнинг ошишига нисбатан кўпроқ сезувчанликка эга бўлиб, бу навларда фотосинтезнинг камайиши ҳам сув оксидловчи марказнинг ҳамда ФЭТЦ фаолиятининг бузилиши билан боғлиқ.

Кейин ғўзанинг турли навларида фотосинтез фаоллигининг циркадли ўзгаришлари ўрганилди.

Бунда хлорофилл флуоресценциясининг циркадли ритмлари, Калвин циклининг ген-нокаут ва ген-нокаут бўлмаган ғўза (*Gossypium hirsutum*) навларида асосий пигментлар таркиби ва асосий ферментларининг фаоллиги тавсифланди.


Тажирибалар давомида ФС II нинг квант чиқиши ғўза навларининг барча навлари учун аниқ белгиланган циркадли ритмга эга бўлиб, туннинг ярмида максимал даражада, кун ярмида эса минимал даражага етганлиги аниқланди (8-расм, А). Бунда таъкидлаш жоизки, назорат ва RNAi ўсимликларда циркадли ритмларнинг умумий йўналиши ўхшаш бўлишига қарамай, YIELD параметрининг абсолют қийматларида етарлича фарқ кузатилди.



8-расм. Фотосинтетик аппарат фаоллиги параметрларини суткалик ритмлари. А – квант унумини ўзгариши, В – хлорофилл а/в нисбатини ўзгариши. 1 – ноль сегрегант, 2 – Кокер-312, 3 – Т 1-7, 4 – Т 31-10, 5 – АН-Боёвут-2, 6 – Порлоқ-1. Абсцисса ўқи бўйлаб – сутка вақтлари. $P \leq 0,05$

Шундай қилиб, RNAi линиялари ва навларида ген-нокаут бўлмаган ўсимликларга нисбатан, квант чиқиши параметрининг статистик жиҳатдан

аҳамиятли бўлган юқори кўрсаткичи кузатилди. Бу эса фотоингибирланишга бардошлиликни ва фотосинтетик аппаратнинг кўрсаткичининг юқорилигини,



бу эса ҳосилдорликнинг ортиши тўғрисидаги маълумотлар билан ижобий корреляцияни кўрсатди.

9-расм. Ғўзанинг турли навларида каротиноидлар ва ксантофилларнинг миқдори. 1 – Кокер-312, 2 – ноль сегрегант, 3 – Т 1-7, 4 – Т 31-10, 5 – АН-Боёвут-2, 6 – Порлоқ-1. Маълумотлар назоратга нисбатан %ларда келтирилган. $P \leq 0,05$


Хлорофиллар нисбати (Chl a/b) бўйича пигментли аппаратларни тадқиқ қилишда a/b

хлорофилларнинг нисбати ҳам ярим кечада максимал даражага етган циркадли циклик хусусиятига эга эканлиги аниқланди (8-расм В). Ундан ташқари, RNAi навларида кузатилган a/b хлорофиллар нисбатининг тебранишларини кичик амплитудаси, назорат ўсимликларига нисбатан юқори бўлди, бундан кўринадики фотосинтетик аппаратларининг барқарорлигини ва натижада фотосинтезнинг юқори самарадорлигини намоён қилиши мумкин.

Ғўза баргларида ген-нокаут ва назорат навларининг антоцианин ва каротиноидлар даражасини ўрганиш бўйича тадқиқот натижалари, ғўзанинг RNAi-навларидаги антоцианинлар ва каротиноидларнинг назорат намуналарига нисбатан юқори эканлигини кўрсатди, бу эса уларни фотоингибирланишга нисбатан чидамлилигини оширади ва бунинг натижасида дастлабки генотиплар билан солиштирганда ғўзада фотосинтетик аппаратнинг нисбатан юқори имкониятини таъминлайди (9-расм).

Шунингдек, Калвин-рибулозо-1,5-бисфосфаткарбоксилаза (RuBPC) ва фосфоенолпируват карбоксилаза (PEPC) циклини асосий ферментларининг ғўза ген-нокаут ва бошланғич (трансформация қилинмаган) навларида кундалик фаоллиги текширилди (10-расм).


Шу билан бирга, RuBPC фаоллик даражасининг графиги кунлик динамикада, кўсаклашиш фазасида – гуллаш даврининг бошида “эгар”симон характерга эга бўлди ва барча ўрганилган навларда, 8-соатдан бошлаб, RuBPC фаоллигининг даражаси ортиб борди ва 9-10 соатга келиб максимал қийматга етди, 14-15 соатга етганда бироз пасайиш кузатилди, 18-19 соатда яна максимумга даражага кўтарилди, сўнг тунги соатларда минимал қийматгача камайиб борди (10-расм, А). Бунда ген-нокаут ва бошланғич навлар ўртасида $P=0.01$ қиймат даражасида ишонарли фарқ кузатилди, бу мазкур ген-нокаут навларининг юқори ҳосилдорликка эга эканлигидан дарак беради.



10-расм. Рибулозо-1,5-бисфосфаткарбоксилаза (А) ва фосфоенолпируват карбоксилаза (В) фаоллигининг циркадли ритмлари. 1 – ноль сегрегант, 2 – Кокер-312, 3 – Т 1-7, 4 – Т 31-10, 5 – АН-Боёвут-2, 6 – Порлоқ-1. Абсцисса ўқи бўйлаб – сутка вақти; ордината ўқи бўйлаб – ферментлар фаоллиги, мкмоль CO_2 /(мг хом вазни \times мин). $P \leq 0,05$

